Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

15 4-йил чиқиши
АВГУСТ 1969 й.
ЖУМА
№ 190 (954).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

БУГУН — ШАҲАР ХЎЖАЛИГИДА



Чилонзор кундан кунга гўзаллашиб боряпти. Яқинда бу ерда «Донецк» савдо магазини ишга тушди. Бу чиройли ва бежирим бинони ўзбекистонлик бинокор дўстлар ҳамша ҳарлармизга армуғон этдилар.

Х. Шодиев фотоси.

ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА ТАЙЁРМИСИЗ?

Бу савол шу кунларда ҳар биримизнинг қалбимиздан мустаҳкам ўрин олган. Бепоён мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида янги — 1969-1970 ўқув йилига тайёргарлик айниқса жадаллашди.

Мактаб педагогика коллективлари янги ўқув йилидан бошлаб янги ўқув программалари асосида ўқитиш, дастлабки чоракда ўтиладиган дарсларнинг тахминий планларини ишлаб чиқиш устида ишламоқдалар, мактаб ёшидаги барча болаларнинг ўқишдан четда қолмаслиги учун ўзларига топширилган микрорайонларни кўздан кечириб, рўйхатларни яна бир синчиклаб кўздан кечирмоқдалар, синф раҳбарлари эса ўз ўқувчиларини дарсликлар ва ўқув қуроллари билан таъминлаш учун қайғурмоқдалар, ремонт ишларини ҳали тугата олмаган мактаб маъмуриятлари бутун имкониятларни сафарбар этиб, ҳамма нарсани янги ўқув йилига тахт қилиб қўйиш учун астойдил меҳнат қилмоқдалар.

Шаҳардаги икки юздан ортиқ мактаб биноларининг деярли ҳаммаси жорий ва капитал ремонтлардан ўз вақтида сифатли қилиб чиқарилди. Шаҳар мактаб парталарида янги ўқув йилида қарийб уч юз минг бола таълим олади.

Яккабоғликлар ташаббусига қўшилган мактаб коллективлари бу йил мактабларни муддатидан олдин ремонтдан чиқаришда намунали ишлар олиб бордилар. Шаҳардаги 8, 25, 26, 43, 47, 58, 70, 96, 149-ва яна ўнлаб мактаблар ана шулар жумласидандир. Бу мактаблар ремонт ишларини ҳам барвақт, ҳам сифатли тугалладилар, қолган вақтни ўқув кабинетларини жиҳозлаш, ўқувчилар контингентини яна бир кўздан кечириш сингари ишларга сарфламоқдалар.

Бу мактабларда ремонт ишларининг барвақт тугалланганига, ўқув йилига ҳар томонлама пухта ҳозирлик билан келишда жамоатчиликнинг яқиндан берган кўмаги ҳам муҳим омиллардан бири бўлди. Бу масалада Киров, Фрунзе, Ҳамза ва Октябрь районлари айниқса ибратли ишлар қилдилар.

Бу йил ўрта таълимга ўтиш муносабати билан мактабларнинг ўқув-моддий базаси мустаҳкамланди, ўқув кабинетлари янги жиҳозлар билан тўлдирилди.

Ёзги таътил давомида ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ишларига алоҳида эътибор берилгани янги ўқув йилига тайёргарлик нақадар пухта уюштирилганининг ёрқин ифодаси бўлди. Чунки ўқув йилининг муваффақиятли давом этиши даставвал ўқитувчиларнинг билим савияси, малакаси, сиёсий тўғуви ва юксак маданиятига боғлиқдир. Шу жиҳатдан олганда бу йил ўқитувчилар малакасини ошириш юзасидан яхши тадбирлар кўрилгани, курсларда предмет ўқитувчиларига янги йўлланмалар берилгани диққатга сазовор бўлди. Эндиликда, янги ўқув йилига саноқли дамлар қолган ҳозирги кунларда ўқитувчиларнинг ўқув планларини пухта ишлаб чиқишларига яқиндан ёрдам бериш мактаб маъмурияти ва район методик бирлашмаларнинг зиммасидаги муҳим вазифалардан биридир.

Ўқувчиларнинг кўнгироқ чалинадиган дастлабки кунда озода, мактаб формасида, бутун ўқув анжомлари билан қуролланган ҳолда партага келиб ўтиришлари кўп жиҳатдан хурматли ота-оналаримизга, ўқув қуролларини ва мактаб ўқувчиларининг формаси билан савдо қилувчи савдо ташкилотларига, дарсликлар билан таъминлаш эса китоб савдосига мутасадди бўлган кишиларга боғлиқдир. Шунинг учун ҳар биримиз фарзандларимизга зарур бўлган ана шу ашёларни етказиб бериш учун бутун имкониятлардан фойдаланмоғимиз даркор. Афсуски, бу масалада ҳозирнинг ўзидаёқ айрим кўнгилсизликларга дуч келинмоқда.

Кўпгина мактабларда ўқувчиларнинг дарсликлар билан тўла таъминланишига мактаб раҳбарлари, район халқ маорифи бўлимларининг ҳодимлари бош-қош бўлмаётирлар, бу муҳим иш ўзибўларчиликка ташлаб қўйилган. Бунинг оқибатида мактабларда дарсликлар билан савдо қилиш кўп жойларда пала-партиш уюштирилган, болалар ва ота-оналар қимматли вақтларини мактабга қатнаш билан сарфлаб, керакли дарсликларни топишга қийналмоқдалар.

Шаҳар савдо бошқармаси янги ўқув йилига тайёргарлик ишига бу йил суст киришгани савдо шохобчаларида яққол кўзга ташланиб қолмоқда. Ўғил ва қиз болалар учун мактаб формаси ҳамма савдо тармоқларида ҳам етарлича бор, деб бўлмайди. Кўпинча ота-оналар ўз фарзандларига керакли размердаги формани тополмаётирлар. Ўқув қуроллари — дафтар, рангли қаламлар, чизмакашлик дафтарлари ва ҳоказолар билан савдо қилиш ишлари ҳам кўнгилдагидек уюштирилгани йўқ. Шаҳар савдо бошқармаси раҳбарлари тез фурсат ичида бу нуқсонларни тугатишлари, ўқувчилар учун зарур барча молларни савдо тармоқларига зудлик билан етказиб бериш чораларини кўришлари керак. «Юлдуз» фирмаси шу кунларда савдо ташкилотлари билан ҳар қачонгидан ҳам яқинроқ алоқада бўлиб, турли ёшдаги ўқувчилар учун формалар етказиб беришни намунали йўлга қўйиши зарур.

Шаҳар халқ маорифи бўлими коллективининг бутун диққат-эътибори бутун мактабларда китоб савдосининг қанчалик тўғри йўлга қўйилганига, педагогика коллективлари, ҳар бир мактабнинг ўқув йилига тайёр эканлигини кўрикдан ўтказишга қаратилмоғи даркор. Ваҳоланки, ўқув йили бошланишига икки ҳафта қолганига қарамай, айрим мактаблар педагог кадрлар билан тўла таъминланмаган. ўқувчилар контингенти аниқ белгилаб олинмаган. Бундай кўнгилсиз нуқсонларга тезда барҳам берилиши, дарсликлар билан савдо қилиш ишини жадал нормал ҳолга келтириш керак.

Бу йилги янги ўқув йили ҳаммамизнинг зиммамизга ғоят катта ва масъулиятли вазифалар юклайди. Бутун прогрессив инсоният келгуси йили пролетар доҳийси, башарият ақл-идроки Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг юз йиллигини зўр тантана билан нишонлайди. Демак янги ўқув йили ленинча ўқув йили, юбилей йилидир. Ўқувчиларда дастлабки машғулотларданоқ шонли санага пухта ҳозирлик кўришда иштирок этиш зарурлигини, юбилейни аъло ўқиш билан муносиб нишонлаш мумкинлигини сингдириб бориш педагогика коллективларининг олийжаноб вазифаларидир. Бунинг учун эса ҳозирдан пухта тайёргарлик ишларини олиб бормоғимиз лозим.

Янги — 1969—1970 ўқув йили пойтахтдаги барча мактабларда, ҳамма хонадонларимизда пухта ҳозирлик билан кутиб олинсин. Бу бизнинг Ватан, эл олдидаги муқаддас бурчимиздир.

● Диққат: янгилик!

ЁМҒИР УСУЛИДА...

«Марказ-4» ва «Марказ-5» микрорайонларидаги ҳавони янада яхшилаш, гулзор ҳамда хиёбонларни сунъий йўл билан суғориш учун ёмғир усулида сув берувчи фонтанлар қурилади. Бу қурилмани «Росташстрой» трести бинокорлари барпо қилдилар. Ёмғир усулида суғориш, сув берувчи фонтанлар қурилмаси турли катталикдаги трубалардан иборат бўлиб, у 24 километр узунликни ташкил қилади.

Бу икки микрорайондаги суғориш системаси 19 картага бўлинади. Карталардаги фонтанлар уч миқдорда ортиқ сув сочувчи найчаларга эга. Ёмғир усулида суғориш, турар-жой районларининг ҳавосини тозалайди.





Ленин районидаги 1-поликлиника республикамиздаги энг кекса медицина даргоҳларидан биридир. У республикамизнинг тенгдоши. Бу ерда кўп йиллардан буён тажрибали медицина кадрларн меҳнат кашларга намунали медицина хизмати кўрсатмоқда.

СУРАТЛАРДА: терапия бўлими бошлиғи А. Авакумянц ва бош ҳамшира З. Бухватовалар беморни синчиклаб текширмоқдалар ва поликлиниканинг ишчан ходимларидан врач контроль комиссиясининг бошлиғи И. Шевченко ва Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган бош врач М. Акбаров ўртоқлар.

ХАРИДОРЛАР УЧУН

«Марказ-4» квартали ободонлашиб боряпти. Яқинда Новокузнецк шаҳридан келган бинокорлар 9 қаватли уйни фойдаланишга топширдилар. Унинг биринчи қаватида икки магазин бор. Улардан бири — замонавий нон магазинидир.

Харидорлар ўз-ўзига хизмат қиладиган 2-озиқ-овқат магазини ҳам очилди. Бу ерда харидор ўзига маъқул молларни танлаб олаверади.

Магазинда озиқ-овқат молларини сақлаш учун аъло шароит мавжуд. Вентиляция қурилмалари, стационар холодильниклар ишлаб турибди. Омборхонага лифтда тушилади. Бу ерда дам олиш хонаси ҳам, душхона, кийим ечадиган хона ва бошқа бўлимлар бор.

Кечагина «Ёшлик» мактаб-магазинини битириб чиққан ёшлар бу ерда ишламоқдалар.

ШУ КУННИНГ ВАЗИФАСИ

Шаҳар ижроия комитети ободонлаштириш Бош бошқармасида шаҳар кўчаларн ва майдонларида озодалик ҳамда тартиб ҳақида самарали гаплар бўлди. Бошқарма бошлиғи ва корхоналарнинг бош инженерлари, район коммунал хўжаликлари раҳбар ходимлари иштирокида кўчаларни тозалаш, шунингдек, пойтахт ташқи безагини яхшилаш юзасидан вазифалар белгилаб олдилар.

Ҳозир шаҳар турар-жой бошқармаси ходимларининг иши қизғин. Ҳар бир квартира ва уй иситиш мавсумига тайёр бўлиши керак. Бугхоналар ремонт қилинаяпти.

Уй-жойлардан фойдаланиш Бошқармаси бошлиқлари ва бош инженерлар иссиқлик энергиясидан фойдаланиш қоидаларини яна қайтадан ўрганиб чиқдилар. Турар-жой эксплуатация конторасининг катта инженерлари ва слесарлари билан ҳам машғулотлар ўтказилади.

КАТТА ИСТИҚБОЛЛАР

Сўнгги тўрт ой мобайнида Тошкентда савдонинг янги усулида ишловчи ўн магазин очилди. Сабзавот мевалар, ип-газлама ва уй жиҳозлари, пойафзал ва бошқа товарлар билан савдо қилувчи етти магазин ихтисослаштирилди.

Пирик савдо корхоналарида қўшимча 150 касса аппарати ўрнатилди. Газ сув ва пиво сотувчи 50 автомат ишга тушди.

Пил охиригача «Марказ-4» ва «Марказ-5» кварталлари ҳамда Васоковольт массивида савдо марказлари.

«Марказ-1» ва «Марказ-2» кварталларида эса болалар дунёси магазинлари ишга туширилади. Сентябрь ойида универсал товарлар билан савдо этадиган бешта йирик ўз-ўзига хизмат қилувчи магазин очилади.

РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг «Тошкент область партия комитети иши тўғрисида» қабул қилган қарори Куйбишев район партия ташкилотларида қандай бажарилятп? Район партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида бу масала атрофлича кўриб чиқилди.

Область партия комитетининг секретари ўртоқ К. Н. Бекаев республика Компартияси Марказий Комитетининг пойтахт область партия комитети иши юзасидан қабул қилган қарорининг район партия ташкилотлари томонидан қандай амалга оширилаётганлиги ҳақида доклад қилди.

Пленумда ташкилий масала ҳам кўрилди. Пленум бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан район партия комитетининг иккинчи секретари ўртоқ В. Т. Покутневни вазифасидан озод қилди. Ўртоқ Г. П. Стешенко район партия комитетининг иккинчи секретари қилиб сайланди.

ТАКСИ КЎПАЙДИ

Шаҳримизда кунига 10-12 минг киши такси хизматидан фойдаланади. Тўрт автопаркда бирлашган 2300 автомашина кунига худди шунча одам ташиши мумкин. Фақат ярим йил мобайнида шаҳар хўжалиги 126 янги машина билан тўлдирилди.

«417 Москва—Тошкент» рейси билан кечаси Тошкентга келадиган йўловчилар таксини тўғридан-тўғри самолёт бортидан туриб заказ қилишлари мумкин. Кечалари Тошкентдан учиб кетадиган йўловчилар ҳам унутилган эмас. Улар Сапёрная кўчасидаги кассадан олдиндан билет олиб қўйгач, шу ернинг ўзидаёқ такси заказ қилишлари мумкин.

Шунга қарамай машиналар сони шаҳар аҳолиси талабига жавоб беролмаяпти. Кўпинча такси олиш муаммо бўлиб қолади.

— 11 августдан бошлаб шаҳар ташқарисига чиқадиган машиналарни кескин камайтирдик. Бунинг натижасида, шаҳар аҳолисига 400 дан ортиқ такси хизмат қиладиган бўлди, — дейди таксомотор юк ташиш ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари ўртоқ Бадзин.

Жонажон республикамизда

Янги агрегат синаб кўрилмоқда

ГУЛИСТОН. (ӮзТАГ). «Малик» тажриба хўжалиги далаларида «Кам—2,0» маркали янги агрегат синаб кўрила бошланди. Бу агрегат экиш олдидан далаларни ишлашга мўлжалланган. Трактерга ўрнатиладиган «Кам—2,0» агрегат айни бир вақт ичида тупроқни юмшатади, майдалайди, далани текислайди, ҳашоратларни йўқотади. Машинани бир киши бошқариб боради. Синаб кўриш натижасида «Кам—2,0» агрегатини қўллаш меҳнат унумдорлигини қарийб икки баравар оширганлиги, ишларнинг аъло сифатли бажарилишини таъминлаганлиги аниқланди.

Қишлоқда клублар

ЖЕТИСОЙ. (ТАСС). III Интернационал совхозида янги клуб фойдаланиш учун топширилди. Бу клубда катта томоша зали, кутубхона, бадиий ҳавас корлик тўгараклари, спорт секцияларининг ишлаши учун алоҳида хоналар бор.

Жетисой районидаги қишлоқларда тез орада яна беш клуб очилади.

Сирдарё областининг бошқа районларида ҳам клуб биноларини қуриш соҳасида кенг кўламда иш олиб борилмоқда. Шу йилнинг етти ойи мобайнида колхоз ва совхозларда ўнта янги маданият ўчоқлари иш бошлади. В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигигача Мирзачўлда яна 20 клуб ва маданият саройлари қурилади.

Қашқадарё—Югославияга

ҚАРШИ. (ӮзТАГ). Қашқадарё пахта тозалаш заводининг коллективи Югославия тўқимачилик саноати корхоналарига пахта толаси етказиб бериш топшириғини муддатидан илгари бажарди. Дўстона мамлакатга олти минг тоннадан кўпроқ аъло сифатли ҳом ашё жўнатилди. Вьетнам Демократик Республикасига бу йил ҳисобидан Қашқадарёдан пахта ортилган сўнгги вагонлар жўнатилмоқда.



Самарқанддаги «26 Боку комиссари» фабрикасининг кекса ишчиси Мустафо Усенов ана шу фабрикада 25 йилдан бери самарали ишлаб келади.

СУРАТДА: ишчи М. Усенов иш устида.
Н. Муҳаммаджонов фотоси.

ГАЗЕТАЛАРДА

◆ КПСС Марказий Комитети секретари К. Ф. Катушев бошчилигидаги Совет Иттифоқи Коммунистик партияси делегацияси 13 августда Бухарестдан Москвага қайтиб келди.

◆ 1969 йил 14 августда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги сунъий йўлдоши «Космос-292» учирилди.

◆ Совет Иттифоқида дам олаётган Польша Бирлашган Ишчи партияси Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоси, Польша Халқ Республикаси ташқи ишлар министри Стефан Эндриховский Ўзбекистонга меҳмон бўлиб келди.

◆ СССР парламент группаси Совет — Англия секциясининг таклифига биноан Англия — Совет парламент группаси раисининг ўринбосари Ж. Сильвермэн 14 августда Москвага келди.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

АГРЕССОРНИ РАҒБАТЛАНТИРМОҚДАЛАР

БАЙРУТ, 13 август. (ТАСС). АҚШ ҳукумати Исроилга қирувчи-реактив «Фантом» самолётларини етказиб бериш ниятида эканлиги Ливан жамоатчилигини ва матбуотини ичҳоятда ғазаблантирмоқда. «Саутал — Уруба» газетаси бундай деб ёзади: Исроил ва унинг ҳомийлари арабларни Исроилнинг шартларини қабул қилишга мажбур этиш мақсадида арабларга тазйиқ ўтказмоқ учун ҳамма воситалардан фойдаланмоқдалар».

«Исроилга «Фантом» самолётларини сотиш тўғрисидаги битим,— деб ёзади газета,—Исроилнинг араб территорияларидаги агрессив ҳаракатларини тўхтатмаётган лиги учун Вашингтон жавобгар эканлигидан далолат беради».

Ливандаги ҳафталик «Ал-Ҳуррая» газетасида босилган хабарда айтилишича, Исроил ҳукумати ўзи сотиб олаётган 50 «Фантом» самолётига қўшимча равишда яна юзта шундай самолётни Исроил ҳарбий-ҳаво кучлари учун харид қилиш тўғрисида янги битим тузишни сўраб Америка маъмурларига мурожаат қилган. Бу эълонита самолётни Исроилга етказиб бериш келаси йилдан бошланади.

«Шундай қилиб,—деб ёзади газета,— Америка Қўшма Штатлари Исроилнинг ҳарбий-ҳаво кучларини кўпайтиришни давом эттириб, аслини олганда ўзининг Яқин Шарқдаги тажовузкор тинч йўл билан ҳал қилишга интилаётгирмиз, деган ҳамма гапларини рад этмоқда».



ИТАЛИЯ. Венеция — жаҳоннинг энг гўзал шаҳарларидан бири ҳисобланади.

СУРАТДА: Авлиё Мария ва Донато мачитининг кўриниши. Бу мачит Мурано оролида жойлашган бўлиб, у XII аср архитектура ёдгорлигидир.

Камера Пресс — ТАСС фотоси.

ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИДА

НЬЮ-ЙОРК, 13 август. Намибиядаги аҳвол масаласи тўғрисидаги резолюцияни кеча Хавфсизлик Кенгаши тўрт мамлакат вакили бетараф қолган ҳолда кўпчилик 11 овоз билан қабул қилади. Бу резолюция лойиҳасини Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Хавфсизлик Кенгашига Жазоир, Покистон, Сенегал, Колумбия, Парагвай ва Замбия делегациялари киритган эди.

Шу резолюцияда Хавфсизлик Кенгаши Жанубий Африка Республикаси ҳукуматини Намибия территориясидан Жанубий Африка Республикасининг маъмуриятини ва қўшинларини олиб чиқиб кетиш тўғрисида Хавфсизлик Кенгашининг қарорини бажаришдан бош тортганлигини қоралади.

Жанубий Африка маъмуриятининг Намибия территориясида турганлигига қарши Намибия халқи олиб бораётган курашнинг қонуний эканлигини Хавфсизлик Кенгаши яна бир марта таъкидлади ва Жанубий Африка Республикасининг ҳукумати бу маъмуриятни, шунингдек ўзининг қуролли кучларини Намибиядан дарҳол ва ҳар ҳолда 1969 йил 4 октябрдан кечиктирмай олиб чиқиб кетиш кераклигини айтди.

Агар Жанубий Африка Республикаси ҳукумати Хавфсизлик Кенгашининг қарорини бажаришдан яна бош тортса, у ҳолда Хавфсизлик Кенгаши Намибия тўғрисидаги масалани кўриб чиқмоқ учун яна тўпланишни ва Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг уставига мувофиқ қандай чоралар кўриш кераклигини ҳал этиш лозимлиги резолюцияда кўрсатиб ўтилди.

Резолюция овозга қўйилганида АҚШ, Англия, Франция делегациялари, шунингдек Финляндия делегацияси бетараф қолди. (ТАСС).



СУРАТДА: Тинчлик кўчасидаги янги поликлиника.

М. Нурмуҳамедов фотолари.

● Аҳолини рўйхатга олишга пухта ҳозирланайлик

СТАТИСТИКА КЎЗГУСИ

1970 йил 15 январдан бошлаб СССР аҳолисини навбатдаги рўйхатга олиш бошланади. Етиб борши қийин бўлган олис тоғ районларда, Чекка Шимолда аҳоли рўйхати анча илгари — шу йил ёзининг охирида ўтказилади. Рўйхат кенг программада олиб борилади. Рўйхат ўтказишдан мақсад мамлакат аҳолисининг сони, жинси ёши, оилавий аҳволи, миллати, тили, билим даражаси, ўқиши, ҳаёт кечириш манбаи, машғулоти, халқ хўжалик тармоғида, ишлаб чиқариш тармоқларида, жамоат группаларида тутган ўрни, қанча пайдан бўён ишлаётганлигини аниқлашдир. Рўйхат, шунингдек аҳоли миграцияси — бир ердан иккинчи ерга кўчиб борши ҳолатини ҳам аниқлайди.

Ўтказиладиган аҳоли рўйхати катта халқ хўжалик ва илмий аҳамиятга эгадир. Рўйхат СССР да аҳоли жойлашуви жараёнларини мукаммал анализ қилиш ва келгусида бўладиган бундай жараёнларнинг илмий асосланган маълумотини тузиб чиқиш имконини беради.

Ҳозирги пайтда катта тайёргарлик ишлари олиб борилаётир. Кўпгина районларда синов рўйхатлари ўтказилди. Бу эса катта программанинг баъзи қисмларини — материал тўплаш ва ишлаб чиқиш усулини аниқлаш имконини берди.

СССР да аҳоли рўйхати тўрт марта: 1920, 1926, 1939 ва 1959 йилларда ўтказилган. Рўйхатнинг асосий вазифаларидан бири аҳоли миллий ва тил составини аниқлаш, уларнинг қайси миллатга мансублигини белгилашдир. Илгари рўйхат варақасига, сўралаётган киши қайси миллатга мансубман деса, ўша ёзиб қўйилар, боласининг қайси миллатга мансублиги ҳам ота-онанинг айтганларига биноан белгиланар эди. Фақат ота билан она турли миллатга мансуб бўлса ва улар боласини қайси миллатга мансублигини айтолмаса кўпинча онаси мансуб бўлган миллат эътиборга олинарди.

Аҳолининг тил составини эса она тилига қараб белгиланарди.

Янги рўйхат программасида иккинчи тилни билиш ёки билмаслик ҳақида савол ҳам қўшилган. Бу саволга берилган жавоблар икки тиллилик қандай тарқалаётганлигини аниқлаш имконини беради ва маориф, адабиёт, матбуот, радио системаларини янада ўстириш ва такомиллаштиришга қимматли материал беради.

Совет Иттифоқи жаҳондаги энг кўпмиллатли мамлакатлардан биридир. Кўпинча СССР да юздан ортиқ халқ, гоҳо эса 140 катта ва кичик халқлар яшайди деб ёзишади. Бунинг сабаби мамлакат миллий составини мунтазам ўзгариб турганлигидадир. Тил ва маданият жиҳатидан каттароқ халққа яқин бўлган кўпгина кичик халқлар мунтазам равишда катта халққа қўшилиб кетаверади. Баъзан гап бирон бир халқ тўғрисида кетаяптими ёки бир мунча каттароқ халқнинг ўзига хос специфик қисми бўлган кичик халқ (этнографик группа) тўғрисидами билиб бўлмайди.

Октябрь революциясн ғалабаси ва ленинча миллий снёсатнинг амал га ошиши туфайли СССРда миллий масала мамлакатдаги халқларнинг коммунистик жамият қуриш ишида қатнашишидаги ўзаро муносабати кабн мураффақиятли ҳал қилинган.

Иттифоқчи ва автоном республикалар, автоном областлар ва миллий округларнинг ташкил этилиши барча халқларнинг ҳуқуқлари ва мустақиллигн таъминланганлигини тасдиқлайди. СССРнинг барча граждапларн миллатидан, нрқн ва динидан қатъий назар ҳаётнинг ҳамма соҳаларида тенг ҳуқуқлидир. Лекин миллий масаланинг снёсий-ҳуқуқий ва иқтисодий муносабатларида ҳал этилиши ҳар бир миллатнинг ўзига хос бўлган хусусиятларини, тилманинят ва бошқа фарқларнни йўқотиш деган сўз эмас. Бу факторлар бундан кейин ҳам кўп миллатли совет давлатн ҳаётида катта роль ўйнайверади...

Йирик тарихий географик областларда (масалан Ўрта Осиёда), шунингдек бутун кўпмиллатли совет мамлакатида рўй бераётган этник процесс халқларнинг яқинлашиш жараёнидир. СССР халқларининг яқинлашувида халқларнинг иккинчи тили бўлиб қолаётган рус тили катта роль ўйнаяпти. Рус тили миллий тиллар тараққиёти процесси билан баробар кенг тарқалиб бормоқда.

Буларнинг барчаси СССР миллий составига сезиларли таъсир кўрсатмоқда. Совет ҳокимнятн йилларида халқларнинг умумий сони ҳам, ҳар бир халқнинг ўз сони ҳам янада юксалди. Аввал ўтказилган рўйхатлар аҳоли ўртасида рўй бераётган ўзгаришлар ҳақида анниқ маълумот беради. 1926 ва 1959 йил рўйхатларн ўртасидаги рақамлар ғоят сезиларлидир. 1926 йил рўйхатида 194 этник ном ҳисобга олинган эди. 1959 йилга келиб 109 этник ном қолди. «Йўқолиб кетган» халқлар орасида бир мунча катта этник группалар ҳам бор эди. Жумладан 1926 йилн 243 мннг кишинн ташкил қилувчи мишарлар, 243 мннг кшшдан иборат мегреллар, 101 мнг кидан иборат киряшенлар, 77 мнг кишилик талкшлар, 71 мнг кишилик ажарлар, 53 мнг кишилик таранчнлар, 50 мнг кишилик қурамалар, 34 мнг кишилик қипчоқлар бор эди.

Сўнгги рўйхатда мишар, кирящен, нагайбакларнинг тушиб қолганлнги уларнинг асосий қисми татарларга қўшилиб кетганлнги билан белгиланади. Мегрел, сван, лаз ва ажарлар грузинларга, қипчоқ, турк ва қурамаликлар ўзбекларга қўшилиб кетишган...


Сўнгги ўн йилликларда СССР халқларн янада жипслашиб кетишдн. Улар ўртасидаги ички фарқлар ҳам йўқолди.

Ниҳоят этник процесс кўрсаткичларидан яна бирн СССР халқларн сонининг ўзгарганлигидир. Масалан 1926 йилдан 1959 йилгача рус, грузин, ўзбек ва татар халқларн тахминан икки марта, озарбайжон ва арманлар 70 процентдан ортиқроқ кўпайди. Келажакда СССР даги асосий халқларининг кўпчилиги яна узоқ вақтлар тил ва маданиятда ўзига хос хусусиятларни сақлаб қолса-да, келажакда кўпгина халқлар яқинлашиб ва қўшилиб кетишини кутиш мумкин.

СССР да миллий процесслар халқлар территориясининг қўшилиб кетиши, миллан аралаш оилаларининг кўпайиши, рус тилининг миллатлар ўртасидаги восита сифатида кенгайиши туфайли рўй бермоқда. Бу эса СССР даги баъзи аҳоли группаларининг маълум миллатга бўлинишини суслаштиради. Бундай группага мансуб бўлган кўпгина кишилар ўзларининг у ёки бу миллатга тааллуқли эканлигини айтишга қийналадилар. В. И. Ленининг коммунистик қурилиш жараёнида шунингдек совет жамиятн социал иқтисодий тараққиётининг объектив қонунларн туфайли миллатларнинг яқинлашуви ва қўшилиб кетиши ҳақидаги тенденциясини ҳисобга олиб, келажакда умумсовет миллий бирикуви янада кенг тус олади, деб ишониш мумкин.

С. БРУК,
география фанлари доктори, СССР Фанлар академияси этнография институти директорининг ўринбосари.

В. КОЗЛОВ,
тарих фанлари кандидати.
(АПН).



Фарҳод кўчасида қурилган бу уйларни Россия Федерацияси қурувчилари тошкентликларга совға қилдилар. В. Сироткин ва И. Глауберзон фотоси.

● Ўқув йили тараддуди

БИРИНЧИ ҚЎНҒИРОҚ ЯҚИН

Янги ўқув йилига саноқли кунлар қолди. Шаҳримиз мактаблари ва халқ маорифи ходимлари янги ўқув йилини қандай ҳозирлик билан кутиб олаяптилар?

Шу савол билан мухбиримиз шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири Т. Дадашевга мурожаат этди.

— Янги ўқув йилига катта тайёргарлик билан келяпмиз, — деди ўртоқ Т. Дадашев. — Шаҳримиз маорифчилари, партия, совет, касаба союз ва жамоат ташкилотлари доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги нишонланадиган 1969—70 ўқув йилини ҳар қачонгидан ҳам пухта ҳозирлик билан кутиб олаётирлар. Шаҳар мактабларида янги ўқув йилида 239, 780 ўқувчи, шу жумладан биринчи синфларда 30.130 ўғил-қиз таълим олади.

Шаҳарда 233 мактаб, 5 та мактаб-интернат бўлиб, шундан 176 та мактаб капитал, 57 та мактаб эса, жорий ремонт қилишни кўзда тутилган эди. Ҳозирга қадар мактабларнинг кўпчилиги жорий ва капитал ремонтдан тўлиқ чиқарилди.

Умумий ўрта таълимга ўтиш муносабати билан барча мактабларнинг ўқув-модий базаси мустаҳкамланди, шу билан бирга 10 та саккиз йиллиқ мактаб ўрта мактабга айлантирилди.

Мактабларни янги ўқув йилига пухта ҳозирлашда Ленин, Киров, Фрунзе, Ҳамза ва Октябрь районларининг жамоатчилиги, айниқса, гайрат билан ишлади.

Шаҳардаги 8, 58, 63, 65, 70, 96, 98, 117 ва бошқа бир неча мактабларда ремонт ишлари ўқувчилар, ота-оналар ва юқори синф ўқувчилари ташаббуси билан амалга оширилди. 186 та мактабда парта ва турли инвентарлар ўқув ишлаб чиқариш бригадаларининг аъзолари томонидан ремонт қилинди.

Оталиқ ташкилотлари мактаблар ремонтига алоҳида эътибор бермоқдалар. Тошкент радиодеталь заводи (директори ўртоқ Тўхтаев) 1-мактаб-интернатини ремонт қилиш учун 5 минг сўм, «Средазэнергоцветмет» ташкилоти 40-мактаб ремонти учун 3 минг сўм ажратди. Мактабларни ремонт қилишда 1-пойафзал фабрикаси, Тошкент область қишлоқ қурилиш бошқармаси, Электрокабель, Лок-бўёқ, «Узбексельмаш» заводлари, «Шарқ» фирмаси, 13-қурилиш бошқармасига қарашли қурилиш трестлари ҳам катта ҳиммат кўрсатдилар.

Мактабларни зарур асбоб-ускуналар ва ўқув инвентарлари билан таъминлашга алоҳида аҳамият берилди. Ҳозирга қадар мактаблар учун 4700 га яқин парта, бир қанча стол-стул ва бошқа ашёлар олинди.

Бу йил ўқувчиларни дарслик ва ўқув қуроллари билан таъминлаш ишига ҳам анча эрта киришилди.

Янги ўқув йилидан шаҳар мактабларида 14 та физика, 16 та химия, 26 та биология, 17 та умумий техника кабинетлари, 28 та турли предметларга оид янги кабинетлар ташкил этилиб, улар зарур жиҳоз ва техника воситалари билан таъминланаётир. Янги ўқув йилидан шаҳардаги эллик мактабда машғулотлар бир сменада олиб борилади.

«Главташкентстрой» қурувчилари янги ўқув йилига қадар 14.916 ўринлик 15 та мактаб қуриб, фойдаланишга топширишлари керак. Шундан 5-қурилиш трести бинокорлари қураётган Электрокабель кўчасидаги мактаб қурилиши биринчи сентябрга қадар тугалланиб фойдаланишга топширилади, десак бўлади. Чунки қурувчилар мазкур объектда сўнгги пардозлаш ишларини олиб боряптилар. Октябрь районининг Собир Раҳимов кўчасида ишчи-ёшлар учун қурилаётган 450 ўринлик кечки-сменали мактаб ҳам биринчи сентябрга фойдаланишга топширилади.

Шаҳар уй-жой қурилиш трести (бошлиғи В. Ф. Темерте) қурувчилари «Қорақамиш» массивида 1104 ўринлик мактаб, ҳар бири 280 ўринлик иккита болалар боғчаси қурияптилар. Мазкур бинолар биринчи сентябрда массив меҳнаткашларининг болаларига ҳадя этилади.

Ленин қурилиш суръати барча объектларда юқоридагидек жадал боряпти, деб бўлмайди. Ҳамза районининг Янгиобод массивидаги 1000 ўқувчига мўлжалланган 3-Чилонзор районининг 21-кварталидаги мактаблар қурилиши пайсалга солинмоқда. Бу объектларнинг бирида қурилиш материаллари етишмаса, бирида ишчи кучи етишмайди. «Бешқайрағоч» массивида ўқув йилигача 1000 ўринлик мактаб қурилиб, фойдаланишга топширилиши керак эди. 159-трестга қарашли 22-қурилиш бошқармаси (бошлиғи В. Г. Бобелов) қурувчилари мактаб қурилишини бир неча ойдан бери ўринсиз баҳоналар билан судраб келяптилар. Қурилишда иш суръати шу аҳволда давом этса, бу объект 1970 йилнинг охирида ҳам битказилиши амри маҳол. Шу массивда 280 ўринлик болалар боғчаси қурилиб, ўтган йили фойдаланишга топширилиши керак эди. Афсуски, қурилиш ташкилотларининг айби билан боғча биноси қурилиши ҳали ҳам бошланғани йўқ.

Ўқув йилининг биринчи қўнғироғи жараёнлашига оз фурсат қолди. Педагогик коллективлар ва барча халқ маорифи ходимлари мана шу ғанимат дамлардан унумли фойдаланиб, янги ўқув йилини барча куч ва воситаларни ишга солган ҳолда кутиб олсалар. Ўқув-тарбия ишларида илк самараларни қўлга киритишлари шубҳасиздир.

Завод билан улғайиб

Ишчи жаноб олийлари

Р. Исломов «Ташавтомаш» заводига ишга келганида ёш йигит эди. Ўша пайтларда «Ташхлопмаш» деб аталувчи корхона эндигина «тетапоя» қила бошлаган эди.

Завод кун сайин, ой сайин юксала борди. Кичик майдончаларда ўрнатилган эски дастгоҳлар ўрнини автоматлашган янги станоклар эгаллай бошлади. Шу давр ичида завод мураккаб ва шарафли йўлни босиб ўтди. Пахта тозалаш машиналаридан прицеплар ишлаб чиқариш даражасига кўтарилди. Ҳадемай, пахтачиликка мослаштирилган ўзбек трактори ҳам худди шу заводда ҳаётга йўлланма олади.

Р. Исломов завод билан улғайган пешқадам ишчилардан. У йигувчи-слесарь, токарь, фрезерчи, созловчиликдан катта мастер даражасигача бўлган поғони йўлни босиб ўтди. Салкам чорак асрлик меҳнат фаолиятн давомида у кўплаб ёшларга касб-ҳунар ўргатди. Завод маъмуриятн уни қайси оғир участкага қўйса, Исломов шу ерда ўзини кўрсатиб, корхона шуҳратига шуҳрат қўшди.

«Инсон қадрини меҳнат оширар» деганларидек, илғор ишчи самарали ишлари учун бир неча фахрий ёрлиқ билан тақдирланди. Бир неча йилдирки, унинг суратн завод «Ҳурмат тахтаси»да турибди. Исломовнинг фамилиясн корхонанинг фахрли китобига ёзиб қўйилган.

Коммунистик меҳнат зарбдори Р. Исломов завод шуҳратининг ошишига ҳисса қўшаётган камтарин, меҳнатсевар инсонлардан биридир.

А. РУЧИС,
партия ходими.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ ҲАЁТИ ТЎҒРИСИДАГИ КИТОБЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий комитети ҳузуридаги партия тарихи институти В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллигига атаб, партия ташкилотларининг ҳаёти тўғрисида бир қанча китоблар тайёрлади. Улардан бир қисми «Ўзбекистон» нашриётида босилиб чиқди.

«Халқ хўжалигини юксалтириш учун» деган китобда Ленин васиятларини, партиянинг саноат ва қишлоқ хўжалиги соҳасидаги режаларини муваффақиятли амалга оширишга қаратилган коммунистларнинг ташаббуси ва ғайратини оширишда партия ташкилотларининг таъсири тўғрисида гап боради.

«Қишлоқда коммунистик меҳнат учун» деган бошқа бир брошюрада Андижон области мисолида келажак разведкачилари, умумхалқ ҳаракатининг ривожланиш йўллари, коммунистик ҳаракатнинг пахтачилик ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг бошқа тармоқларини ривожлантиришга барокали таъсири ёритиб берилган.

«Ўзбекистон ишлаб чиқариш кооперацияси ижодий союзлари оммани коммунистик руҳда тарбиялашда» номли китоб ёзувчи, рассом, композитор — коммунистларнинг тажрибаси тўғрисида ҳикоя қилади.

(ЎзТАГ).

● Саёҳат таассуротлари

Ульяновск тайёрланмоқда

Ульяновскнинг илгаргн қиёфаси билан ҳозирги кўринишини ҳеч бир қиёс қилиб бўлмайди. Йилдан-йилга, кундан-кунга у гўзаллашиб бормоқда.

Ленин яшаган даврда бу ерда на завод, на бир фабрика, на темир йўл бор эди. Ҳозирчи, шаҳарда машинасозлик, станоксозлик, асбобсозлик заводлари, енгил ва озиқ-овқат корхоналари, ўқув институт, тўққизта ўрта техник ва махсус ўқув юртн, бир юз ўттиз тўққизта кутубхона, тўққизта кинотеатр, шунингдек клуб маданият саройи, драма театри, филармония, бир қанча музей, парк, боғлар, стадионлар бор.

Саноатнинг тараққий этиши ва аҳолининг кўпайиши билан шаҳар ҳам кенгайиб бормоқда. Шимолда шаҳарнинг эски чегараси билан ўрмон массиви (ҳозирги «Победа» ўрмон парки) ўртасидаги кенг очиқ жойда кўп қаватли замонавий иморатлар қурилиб, янги кварталлар барпо этилди.

Свия дарёси атрофи қиёфаси ҳам бутунлай ўзгарган. 1943 йилда бу ерга биринчи қурувчилар келишган эди. Ҳозирда эса бу жой шаҳарнинг йирик индустриал районидир. Свия дарёсидан ўтсангиз автомобиль заводи корпусига кўзингиз тушади. Бу заводда асосан ҳаммамизга таниш «УАЗ» автомобиллари ишлаб чиқарилади. Ҳар жиҳатдан жуда ҳам қулай бўлган бу машиналар мамлакатимизнинг ҳамма шаҳарларида учрайди. Бугина эмас. У 50 дан зиёд чет мамлакатларга экспорт қилинади.

Автомобиль заводидан сал ўтсак, Москва шоссесига чиқамиз. Бу кўчадаги саноат корхоналарн бир неча километргача чўзилиб боради. Шу саноат корхоналари туфайли бу жойда янги район — Засвияжье райони вужудга келди. Ҳозир бу ерда 70 минг аҳолн яшайди.

Шаҳарнинг жанубидаги Железнодорожний районн ҳам яқинда барпо этилди. Бу ерда кўпгина енгил ва озиқ-овқат корхоналари ишлаб турибди. Районнинг Волга дарёси атрофларини ажониб дуб ўрмонзорлари ишгол килган. Бу район шаҳар билан трамвай ва автобус линиялари орқали боғланади.

Заволжье районн — шаҳарликларнинг энг яхши ҳордиқ чиқарадиган масканн. Бу районда 45 минг аҳолн яшайди. У қалин ўрмонлардан иборат бўлиб, азим Волганинг икки соҳилини эгаллайди. Ленин кўпинча шу ўрмонларда юрган, она табиатнинг гўзаллигнни шу жойларда ҳис этган...

Ҳозирги Ульяновск шаҳрининг майдони 1946 йилдагига қараганда 2,5 марта, турар жой ҳажми эса 3,5 марта кўпайди. Шу давр ичида саноат маҳсулотининг ҳажми 5,5 баравар ўсди. Қаранг, қанчалик улкан ютуқлар!

Шаҳар яшнамоқда, шаҳар қурилмоқда! Бу ерда улуғ доҳий Ленин туғилган. Унинг ҳамшаҳарлари доҳийнинг 100 йиллигига катта тайёргарлик кўрмоқда. Мана уларнинг айрим режалари:

Шаҳарликлар қандай бўлмасин ўз юртларнн Ленининг ёдгорлик шаҳарчасига айлантиришга ҳаракат қилмоқдалар. Ульяновск қудратли Волгадан анча баландликда бўлиб, худди унинг тепасида улкан супачага ўхшаб туради. Лойиҳачилар табиатнинг бу лонарамасидан фойдаланиб, унн яна ҳам улуғвор қилмоқчилар. Бу жойнинг энг баланд нуқтасида улкан монумент ўрнатилиб, олдига мангу ёниб турувчи машъал қўйилади.

Шаҳарнинг асосий дарвозаларидан — дарёвокзал 1970 йилга бориб яна ҳам гўзал ва обод бўлади. У бир йўла бир неча теплоходни қабул қила оладиган қилиб кенгайтирилади, олд томонида янги майдон барпо этилади.

Шаҳарнинг марказидаги қурилиш ишлари, айниқса, диққатга сазовордир. Бу ерда Ленин туғилган уй комплексига ўйғунлашиб кетадиган бир қанча бинолар қурилади. Уларнинг лойиҳасини Москва, Ленинград, Ульяновск шаҳарларнинг лойиҳалаш институтлари ишлаб чиқишди. Лойиҳага кўра Ленин туғилган ва илк ёшлигини ўтказган уй мемориал қурилиш ўртасида қолади. Унинг атрофида В. И. Ленин Марказий музейн филиали, Ленин залн, Смёсий маориф уйи, 1400 ўринли кинконцерт залн бинолари қад кўтаради. Лекин бундан Ленин туғилган уй атрофи девор билан ўралгандек бўлиб қолларкан-да, деган хулоса чиқмаслиги керак. Лойиҳачилар бунн ҳам ҳисобга олишган. Атроф даги бутун қурилишлар саккиз метрли устунларга ўрнатилиб, ўртадаги уй ҳамма томондан яқ-қол кўринниб туради.

Мемориал комплексда Ленин залн энг ажойиб жой бўлади. Панолар, турли скульптуралар билан безалган бу зал ленинизм ва Октябрь революцияси ўлмас ғоясининг ва Совет ҳокимнятн йилларида эришган ютуқларимизнинг кўзгуси бўлади.

В. И. Ленин Марказий музейн филиалида эса доҳийнинг биринчи пролетариат тўғаракларини тузишдан бошлаб то янги типдаги марксистик партиянн тузишга қадар ҳаёти ва фаолиятн, мамлакатимизда социализмнинг галабаси, социалистик қурилишнинг дастлабки ютуқлари намоён этилади.

Биноларнинг олдида кенг майдон барпо этилиб, унинг бир томони Волгага туташиб кетади, иккинчи томони эса Советская кўчасигача боради. Ана шу томонда 23 қаватли юксак меҳмонхона биноси қурилмоқда. Бу меҳмонхона ҳамма жиҳатдан қулай бўлиб, бир йўла 1000 кишини қабул қила олади. Майдоннинг қоқ ўртасида Ленининг онаси — Мария Александровна Ульяновага улкан ҳайкал ўрнатиш кўзда тутилган.

Майдоннинг бошқа бир томонида педагогика институти корпуси ва бадиий музейн биналарн қурилади. Улар ҳам салобатли ва ҳашаматли бўлиб, мемориал марказ композициясини тўлдиради.

Мемориал марказнинг атрофи кўкаламзор парклар билан туташиб кетади. Бу ердан пастликдаги Волга соҳилларн ҳам боғ-роғларга айлантирилади.

Марказдаги Ленин майдони ҳам ўзгача тус олади. Яқинда бу ерда янги меҳмонхона биноси қад кўтаради. Мемориал марказ билан майдон ўртасидаги каскалхона биноси ҳам янгидан реконструкция қилинади. Марказда яна катта қурилишлар бўлади.

Хуллас, Ульяновскда Буюк Ленининг 100 йиллигига қизғин тайёргарлик кўрилмоқда. У чиндан ҳам таҳсинга лойиқ шаҳар бўлади.

М. АМИНОВ.




Республика илмий-техника кутубхоласининг чет эл адабиётн бўлими жаҳоннинг кўпгина мамлакатларн билан илмий техник адабиётлар айрибошлаш юзасидан ҳамкорлик олиб боради.
СУРАТДА: Чет эл адабиётн бўлими бошлиғи Л. Попова ва бош кутубхоначи В. Курбаткина ўртоқлар. М. Нуриддинов фотоси.





ПСКОВ. Бу уйда 1900 йилнинг баҳорида В. И. Ленин бошчилигида «Искра» газетаси ва «Заря» журнали ташкил қилиш юзасидан рус социал демократларининг яширин мажлиси ўтказилган эди. Уй 1957 йилда қайта тикланган. ТАСС фотохроникаси.



ҒИЛДИРАКЛИ ҚАЙИҚ

Горький. Яқинда горькийликлар шаҳар кўчаларида одатдан ташқари бўлган моторли қайиқларга кўзлари тушиб қолди. Бу қайиқлар жуда тезлик билан шаҳар кўчалари бўйлаб борарди. Қайиқ-амфибияни сув ости кемалари Марказий конструкторлик бюросининг етакчи инженери ва лойиҳачилар группасининг раҳбари Евгений Гурьевич Понамарев ишлаган. Амфибия қуруқликда соатига 25 километр, сувда эса соатига 60 километр тезлик билан юра олади. Қишда бемалол қордан юриб кетаверади.

СУРАТДА: амфибия Ленин майдонн бўйлаб кетаётган пайти акс эттирилган.

В. Войтенко фотоси.

АЖОЙИБОТЛАР

УНИВЕРСАЛ ХОМ АШЁ

Ёғоч билан баҳслашадиган бирорта бошқа хом ашё бўлмаса керак. Ҳозирнинг ўзида ундан 15 минг хилдан ортиқ маҳсулот ва буюм олинмоқда. Бир кубометр ёғочдан 200 килограмм целлюлоза, бундан эса 150 килограмм тола олинади. Бу толадан 4000 жуфт ипак пайпоқ ёки 1500 метр газлама (бу эса 475 кўйлак демакдир) тайёрлаш мумкин. Шунча ёғоч ярим гектар ер майдонидан олинадиган пахта ҳосилининг ўрнини боса олади. Шунингдек 320 минг ипак қурти ёки ҳар йили 30 қўйдан олинадиган жуннинг ўрнини боса олади. Мана, бир кубометр ёғочдан қанча маҳсулот олиш мумкин. СССРдаги унинг умумий запаси эса 80 миллиард кубометрдан ортиқдир.

ОКЕАНЛАРДАГИ ЭЛЕКТР ҚУВВАТИ

Сув қўйиладиган ва кўтарилиб тушадиган ўринлар океанларда жуда кўп. Булар ишлатилмаётган миллион киловаттлаб электр қувватидир. Суткасида икки марта қуруқликка уриладиган тўлқин қудрати жаҳондаги барча электр станцияларнинг қувватидан икки баравар ортиқдир. Агар океанлардаги сувдан ҳосил қилиниши мумкин бўлган электр қуввати ҳисобланса, у астрономик жиҳатдан йилида 240 миллиард киловатт-соатга тўғри келади. Океанларда фойдаланилмай ётган ана шу резервлардан фойдаланиш масаласи билан совет инженерлари ўттиз йилдан ортиқ вақтдан буён шуғулланиб келмоқдалар. Маълумки, Совет Иттифоқида шундай электр станцияси ҳозир Кислогубскаяда ишлаб турибди.

ВУЛҚОН ТУПРОҒИДА

Камчаткадаги Паратунка қишлоғи бир неча йилдан буён ўзида етиштирилаётган бодринг билан шуҳрат қозонмоқда. Колхозчилар вулқон отилиб турадиган ерда парник ўрнатдилар. Улар ярим метр чуқур қазиб, уни ром билан ёпдилар. Паратунка теплицаларида ҳозир пиёз, помидор ва қулупнай ҳам етиштирилмоқда. Қишлоқдан ўн километр масофада 60 минг квадрат метр ерни ишғол қиладиган теплица хўжалиги қурилмоқда.

Шундай қилиб, Камчаткада мева-сабзавот етиштирилмоқда.

ЭЛ ИМТИҲОНИНИ КЎЗДА ТУТИБ

Ҳақиқий актёр томошабинининг олқишига сазовор бўлиш учун не-не машаққатларни чекмайди дейсиз.. Бир жумлани ёки бир эпизодни неча марталаб қайтаради, юрган йўлида ўзича нималарнидир такрорлайди, гоҳо овқат устида ўз-ўзидан гапириб ё бақириб юбориш ҳоллари ҳам бўлади. Аҳир кишининг кўз ўнгида хилма-хил образларнинг характерларини келтириб қўйиш эстетик завқ бериш, кишиларнинг қалбига йўл топа билиш ўз-ўзидан бўлмайди-да!..

Етакчи театрларимиздан бири бўлган Муқимий номли музикали драма ва комедия театрининг артистлари ҳам ўз касбларининг машаққатли, шу билан бирга муқаддас касб эканлигини яхши биладилар. Меҳнатдан, ижодий изланишдан, ўз устларида ишлашдан бир дақиқа бўлсин қўл тортмайдилар. Шунинг учун ҳам бу театр артистларининг кўпчилиги халқ қалбидан ўрин олган. Муқимий театри деганда ҳамманинг кўз ўнгига Соҳиб Хўжаев, Бахтиёр Ихтиёров, Суръат Пўлатов, Эътибор Жалилова, Омина Фаёзова каби қатор эл севиб қолган санъаткорлар келадиган бўлиб қолган.

— Театримизнинг аҳил коллективи, — дейди директор ўринбосари Н. В. Иванов, янги асарларни саҳналаштириш устида иш олиб бориляпти. Айни шу кунларда З. Фатхуллиннинг «Кумуш тўй» пьесасини саҳналаштиряпмиз. «Кумуш тўй»нинг режиссёри А. Раҳимов актёрлар билан мунтазам репетиция ўтказиб турибди.

Мазкур пьесадаги бош ролларни Ўзбекистон халқ артистларидан А. Абдураҳмонов, М. Ғафуров, Э. Жалилова, Т. Жаъфарова. О. Фаёзова. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлардан: С. Пўлатов. С. Раҳимжонов, солистлардан: М. Ихтиёрова, Ф. Аҳмедов, Т. Мамедова ва бошқа артистлар ижро этади.

Бундан ташқари Т. Тўланинг «Ҳалима», Т. Каипбергановнинг романи асосида «Қорақалпоқ қизи» каби асарларни саҳналаштириш ҳам шу йилнинг репертуар планига киритилган.

Бу ишларнинг ҳаммаси Муқимий номли музикали драма ва комедия театри коллективи томонидан доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллик тўйига тайёрланган тўҳфа бўлади.

Театр аҳлининг ҳаммиша халқ имтиҳонини кўзда тутиб, саҳнадан кўп вақтлар тушмайдиган, ўз томошабинларини қувонтирадиган янги-янги саҳна асарларини тортиқ қилаверишига ишонамиз.

О. НАҲАНОВ.

ЁШ АРМИЯЧИЛАР ҲАҚИДА ФИЛЬМ





Чирчиқдаги 12-мактабнинг ёш армиячилари шу йил Псковда бўлиб ўтган Бутуниттифоқ якуловчи «Зарница» мусобақаларида қатнашдилар. Айни шу кунларда Ленин номидаги Республика пионерлар уйидаги «Ёш фильм» ҳаваскорлар киностудиясида иш қизғин. Киностудия коллективи ана шу чирчиқлик ёш армиячилар ҳақида ҳикоя қилувчи янги фильм яратишаяпти.

СУРАТЛАРДА: шу фильмдан кадрлар: Разведкада. Десантлар. Отряд қатнашчилари: (чапдан) раҳбар Оля Яценко, ёш армиячилар—Рая Рўзнева, Элла Сиразиднова ва Ўткир Ҳолмуҳамедовлар.

Е. Лейтман фотоси.

● Ёз суҳбатлари

ТАШНАЛИК

Кун қаттиқ исиганда киши организмида турли физиологик ўзгаришлар юз беради. Айниқса ташналик зўрайиб, иштаҳа бўғилади. Ташналикни қондириш учун фақат сув ичишгина кифоя қилмайди, балки овқатланиш, кийиниш, ишлаш ва дам олиш режимларига тўғри риоя қилиш ҳам муҳим омиллардир.

Ёз фасли неъматлари сабзавот, полиз экинлари ва мевалардан кўнгил тусаганча баҳраманд бўлиш керак. Полиз экинлари ва мевалар ташқи кўриниши, ранги, ширин шарбат мазаси билан ҳам иштаҳа очади.

Тўғри овқатланиш сиҳат - саломатлик гаровидир, лекин айрим кишилар бунга эътиборсиз қарашади. Овқатланиш режими, ҳар бир кишининг иш режимига монанд ташкил қилинган бўлиши керак. Овқатланиш тартибининг энг асосий талабларидан бири, ҳар куни маълум вақтда овқатланишга одатланиш ва бу тартибни бузмасликдир. Кун давомида уч-тўрт марта овқатланиш саломатликка яхши таъсир кўрсатади.

Организмнинг сувга бўлган эҳтиёжини қондиришда тўғри кийиниш аҳамияти катта. Афсуски, айрим кишилар бунга риоя қилишмайди. Улар модага берилиб, қора рангли материаллардан тикилган, танага ёпишиб турадиган кийимлар кийишади. Бу хилда «мода» боп бўлиб кийиниш иссиқ иқлим шароитида тананинг ортиқча қизиб кетишига, ташналикка олиб келади. Ёз фаслида кийиладиган кийим танани офтоб нуридан сақлаш билан бирга, уни қизиб кетишдан ҳам сақлаши керак. Шунинг учун ҳозирги кунда енгил, оқ рангли матолардан дид билан тикилган кийимларини кийиш мақсадга мувофиқдир.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, иссиқ иқлим шароитида одам организми терлаш орқали бир соатда 1,7 литргача сув йўқотиши мумкин. Бундай терлаш натижасида тер билан бирга танадан организм учун зарур бўлган кўп минерал тузлар ва айрим сувда эрувчан витаминлар керагидан ортиқ чиқиб кетади. Натижада киши кайфияти ёмонлашади, тана ҳарорати кўтарилади ҳамда кишининг ишлаш қобилияти пасаяди.

Сувга ташналикни қандай қондириш мумкин?

Эрталабки нонушта вақтида суюқликни тўйгунча ичиш мумкин. Лекин тушки овқатланиш олдидан кўп суюқлик истеъмол қилиш тавсия қилинмайди. Ташналик жуда кучли бўлса, олдин оғизни сув билан чайқаб ташлаб, сўнг бир неча қултум сув ичса бўлади. Овқатланганидан кейин тўйиб чой ёки бошқа суюқлик ичиш мумкин. Кунининг иккинчи ярмида ҳам худди шу тартибга амал қилиш лозим. Кечки овқат вақтида эса тўйгунча суюқлик истеъмол қилса ҳам бўлади.

Сувга ташналикни қондиришда ичиладиган суюқликнинг сифати, таркиби ҳам муҳим аҳамиятга эгадир. Уларнинг энг муҳимлари қора ва кўк чой, турли мева сувлари, минерал сувлар, шинни газли сувлар, нон квасн ва бошқалардир.

Бизнинг иссиқ иқлим шароитимизда аҳоли ўртасида кўп истеъмол қилинадиган яхна ичимликлардан айрон ҳам танага яхши сингади. Бу яхна ичимлик қатиқ ёки сузмага бир стакан, сув, таъбга кўра муз солиниб тайёрланади.

Иссиқ кунда сувга ташналикни енгиш ҳар бир кишининг қатъий режим ва иродасига боғлиқдир.

А. ТОҲИРИЙ,
шифокор.



Москвадаги «Контрольприбор» тажриба завод мамлакат корхона, қурилиш, илмий-текшириш институтлари, шунингдек чет эл мамлакатларига чиқариш учун дефектоскоп ва бошқа контроль асбобларни ишлаб чиқармоқда.

СУРАТДА: ускуналарни регулировка қилиш участкаси мастери П. В. Вавилова ва регулировкачи В. П. Смирнов феррозонд қутб қидиргичлар ёнида. Бу асбоб ускуналарни тайёрлаётганда магнит майдонини аниқлайди. Шунингдек, ундан одам организмига кириб қолган металларни топиш учун хирургия ишида ҳам фойдаланиш мумкин.

Э. Евзерихин фотоси.

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

МЕҲНАТ ВА КАПИТАЛ

Ишдан бўшатишларга қарши

ЛОНДОН. «Женерал электрик — инглиз электрик» компаниясининг корхоналарида маъмурият Ливерпуль билан Манчестер шаҳарларидаги заводлардан салкам беш минг ишчини бўшатмоқчи бўлаётганлигига қарши компания кенгайиб бормоқда.

Шу компаниянинг Манчестердаги заводида банд бўлган ишчилар маъмурияти ўз режаларидан воз кечмас экан ишдан яна бўшатилишларга қарши норозилик забастовкаси эълон қилиш ва ишга чиқмасликка чақирдилар. 80 мингдан ошиқ кишини бирдаштирувчи машинасозлик саноати чизмакашларининг уюшмаси шу ҳаракатларни қўллаб-қувватлаяжагини билдирди.

Американинг «Женерал электрик» компанияси билан Англиянинг «Инглиз электрик» компанияси қўшилганидан бери фирма заводларидан салкам 15 минг киши бўшатиб юборилди.

Заводда баррикадалар

ГАВАНА. Аргентинадаги «Аэро металл» корхонасининг ишчилари иш ҳақи тўлаш кечиктирилиб юборилганлигига қарши норозилик билдириб, завод биноларини ишғол қилиб олдилар.

ПРЕНСА Латина агентлигининг хабар беришича, ишчилар биноларга кириладиган ҳамма эшикларни тўсиб, маъмурият иш ҳақини тўламагунига қадар, бу ердан ҳеч қаерга кетмаймиз деб туриб олдилар.

ДАДИЛ ҚАДАМ

● Бугун—Кореянинг озодлик куни

«Мусаффо тонг мамлакати» узоқ озодлик қуёши ёрқин нур сочган 1945 йилнинг тарихий 15 август куни корейс халқининг хотирасидан сира ўчмайди. Совет Армияси мамлакатни япон мустамлакачиларидан озод қилганидан кейин шимолий қисмида ҳокимият меҳнаткаш халқ қўлига ўтди. Бу пайтда мамлакат машинасозлик саноатига деярли эга эмас, хўжалик вайрона қолатда эди. Шимолий Корея Меҳнат партияси раҳбарлигида 1946—1949 йиллар — қайта тиклаш даврининг бошларида бир қатор муҳим демократик ўзгаришларни амалга оширди — ер реформасини ўтказди ва саноатни национализация қилди.

Шундай қилиб, жамиятни социалистик асосда қайта қуриш учун пойдевор қўйилди. Шимолий Корея меҳнаткашлари озмунча синовлардан ўтмадилар. Булардан энг мураккаби Америка ва Лисинманчи босқинчиларга қарши уч йил давом этган Ватан озодлиги учун олиб борилган уруш бўлди. Қаҳрамон корейс халқи Америка империалистлари ва малайларининг мудҳиш фитнасини барбод қилди. Корея халқининг фидокорона кураши, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатларнинг ёрдами ва мадади, ер юзидаги барча адолатпарвар кишиларнинг қатъий талаблари БМТ байроғи остида қонунсиз яширинган Америка босқинчиларининг Кореяда олиб бораётган жинояткорона урушини тўхтатишга мажбур қилди. 1953 йил 27 июлда сулҳ ҳақидаги битимга имзо чекилди.

Шимолий Корея халқи тинч яратувчилик меҳнатига қайтди. Партия меҳнаткашларни мамлакат экономикасини тиклаш ва ривожлантиришга сафарбар этди. Уруш катта вайронагарчиликлар келтирган эди. Агрессорлар Шимолий Корея тупроғининг ҳар бир квадрат километрига ўрта ҳисобда ўн саккиз тадан бомба ташлаб, шаҳар ва қишлоқларни кулгага айлантирган, саноат, транспорт деярли вайрон қилинган, қишлоқ хўжалиги инқирозга катта зарар кўрган эди.

Уша пайтларда буржуа пайғамбарлари Шимолий Кореянинг оёққа туриши учун камида эллик, ҳатто юз йил талаб қилинади деб «башорат» қилган эдилар. Турмуш башоратчи пайғамбарларнинг фикрини пучга чиқарди. КХДР меҳнаткашлари саноат корхоналарини тикладилар, индустрлаштиришга мустаҳкам пойдевор қўйдилар. Шаҳар ва қишлоқларда социалистик ишлаб чиқариш муносабатлари таптана қилди.

Жанубий Кореяда эса аҳолининг қисмати бошқача бўлди. Америка қўшинлари босиб олган бу ерда халқ оммасининг хоҳиш-иродаси назар-писанд қилинмасдан АҚШ 1948 йилнинг ёзида реакцион тузумни барпо этиб, ҳокимиятни америкача кайфиятда бўлган бир тўда ярим буржуазия ва помешчиклар қўлига топширди. Бу Кореянинг бўлинишига олиб келиб, унинг миллий офатига, Узоқ Шарқ районида халқаро танглик манбаига айлантирди. Корейс халқининг демократик кучлари 1948 йилнинг сентябрида меҳнаткашлар давлати — Корея Халқ Демократик Республикасини барпо этдилар.

Совет Иттифоқи ёш республиканинг суверенитетини дарҳол тан олди, жанговар ҳаракатлар тугатилгандан кейин совет қўшинлари уруш туфайли вайрон бўлган халқ хўжалигини қайта тиклашда корейс халқига яқиндан ёрдам кўрсатди. 1948 йилнинг охирида Совет қўшинлари Шимолий Корея территориясидан олиб чиқиб кетилди.

1948-1950 йилларда КХДР барча социалистик мамлакатлар билан дипломатик, иқтисодий ва маданий алоқалар ўрнатди. Бу — халқ ҳокимиятининг ички ва халқаро обрўсини мустаҳкамлади, КХДР ташкил топишн мамлакат тараққиётида катта бурилиш бўлди. Халқ оммасининг яратувчилик меҳнати самараси сифатида тарихда Корея Халқ Демократик давлати тузилди.

КХДРнинг житимоий тараққиётининг ҳамма соҳаларида эришаётган муваффақиятлари катта. Унинг халқи Меҳнат партияси раҳбарлигида ўтмишда қолоқ бўлган мамлакатни гуллаб-яшнаётган социалистик индустриал-аграр мамлакатга айлантирди. Республикада урушдан олдинги 1949 йилгача саноат ишлаб чиқариши ҳажми 10 баравардан зиёдга ортди. Кон бойитиш ва электр энергия саноати, қора ва рангли металлургия, химия саноати ва саноат қурилиш материаллари саноати ҳар қачонгидан гуркираб яшнади. Машинасозлик ҳам тобора кенг ривожланмоқда. Ҳозир замонавий корхоналарда автомобиллар, тракторлар, электровозлар, қурилиш машиналари, металлни қайта ишлаш станоклари ва бошқа мураккаб машина ва механизмлар ишлаб чиқилмоқда.

Корея Халқ Демократик Республикаси эришаётган ютуқлари ҳақида жуда кўп гапириш мумкин. Лекин буни яққол тасаввур қилиш учун унинг мураккаб ишларни Жанубий Корея халқининг мунгли аҳволи билан солиштириб кўришнинг ўзи кифоядир. КХДРда Америка қўшинлари ва ҳарбий диктатура режими остида азоб чекаётган Жанубий Кореядагига қараганда аҳолн бошига электр энергия ўн баровар, кўмир тўрт баровар, пўлат ўн беш баровар кўп ишлаб чиқилмоқда. Илғорларн бутун Кореянинг ризқи-рўзи ҳисобланган мамлакатнинг жанубий томонида ҳозир ўз эҳтиёжи учун ҳам етарли даражада галла етиштирилмаётир. Йилига миллион тоннадан зиёд мароқли ишлаб чиқарилмоқда, бошқа мамлакатлардан келтирилмоқда. Япон мустамлака ҳукмронлиги йилларидагидек Жанубий Кореянинг экономикаси бугунги кунда ҳам аянчли аҳволда. АҚШнинг кўп йиллик «оталиғи»ига ишсизлик ва қашшоқликдан бошқа наф келтирмади.

Совет ва Корейс халқлари ўртасидаги давр синовларидан ўтган мустаҳкам дўстлик икки халқ фарзандларининг умумий душманга қарши жангларда янада чиниқди. 1961 йилда дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳақида Совет Иттифоқи ва КХДР билан тузилган битим, бу дўстлик тарихига янги саҳифалар битди.

СССР ва КХДР ҳукумат иқтисодий делегацияларининг 1966 йил июнь ойида Москвада бўлиб ўтган музокаларида учта муҳим ҳужжат имзоланди. Бу битимга кўра иқтисодий ва техник ҳамкорлик янада кенгайди. Совет Иттифоқининг КХДР билан савдо алоқаларн тобора кенгаймоқда. Совет Иттифоқи Халқ Кореясига машина ва ускуналар, нефть маҳсулотлари, пахта ва бошқа товарлар етказиб беради. Ўз навбатида Халқ Кореяси бизга қора ва рангли металлар, норуда қазилмалар, енгил саноат буюмлари етказиб беради.

Совет халқи Корея Меҳнат партияси раҳбарлигида социализм йўлидан шаҳдам одимлар билан бораётган КХДР меҳнаткашларининг ҳар бир ғалабасидан чин кўнгилдан фахрланади.

Х. ТЎХТАСИНОВ,
чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар боғлаш Ўзбекистон жамиятининг референти.


МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

ЛАГОС. (ТАСС). Нигериянинг информация масалалари комиссари Антони Энахоро бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида сўзлаб, Нигерия миллий бирлик ва тинчликни тиклаш мақсадида уруш олиб бормоқда деди.

Энахоро исёнчилар назоратида бўлган территория улар даставвал эгаллаган территориянинг ҳозир салкам 4 процентинигина ташкил қиладн, деди. Федераль ҳокимият назоратида бўлган районларда эса ҳозирги кунда исёнчи Ибо қабиласидан беш миллионга яқин кишн яшаяпти, айни маҳалда исёнчилар эгаллаган районларда эса Ибо қабиласидан бўлган кишилар икки-икки ярим миллион кишини ташкил этади.

Уруш бўлиб турганлигига қарамай, деди комиссар, мамлакат ўзини мустаҳкамлаб олди. «Исёнчилар уруш экономикани барбод қиладн» деб умид қилган эдилар, бу нарса рўёбга чиқмадн, деди у.— Нигерия таназзулга юз тутишнинг ҳеч қандай аломатлари йўқ».

Биз аввалгидек тинчликка эришишни истаймиз, лекин буниng учун бирлик сақланиши шарт, деб, таъкидлади Энахоро.



КОРЕЯ ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ.
СУРАТДА: Пхеньяндаги Катта театр. Республика меҳнаткашлари бу йирик санъат даргоҳида тез-тез янги саҳна асарларини томоша қиладилар.

НАРИГИ ТОМОНДА ИЛОЖИ БЎЛМАГАЧ

РИМ. (ТАСС). Италия пойтахти чеккаларидан биридаги баракларда яшаётган уйсиз римликлардан мингга яқин киши бўш ётган бир неча уйни эгаллаб олди, «Унита» газетаси Рим қашшоқ аҳолисининг мана шу ҳаракати тўғрисида хабар берар экан, улар ишғол қилган бояги уйлар олти йилдан бери бўш ётганлигини кўрсатади. Маҳаллий маъмурлар яроқсиз деган баҳона билан бу уйларни таги билан бир Америка фирмасига катта пулга сотиб қолмоқчи бўлганлар.

ХУДДИ КИНОДАГИДЕК ҚОТИЛЛИК

Нью-ЙОРК. (ТАСС). Америка кино индустриясининг маркази, кўпни кўрган Голливудда сўнгги йилларда энг катта жиноятлардан бири содир бўлди. Кино артист Шерон Тейт билан унинг тўртта меҳмони ўз уйида вахшийларча ўлдирилган. Уларнинг ҳаммаси чавоқланиш натижасида жон берган.

Полиция маъмурлари бу катта қотиллик тўғрисида орадан 12 соат ўтгандан кейингина хабар топишган. Полиция бу жиноят олдидан тайёрланган, деди. Полиция унинг тафтиш этиши ва қотилни қидишдан ҳозирча ҳеч қандай натижа чиққани йўқ. Ассошиэйтед пресс мухбирининг сўзларига кўра, Голливуддаги бу қотиллик Шерон Тейтнинг эри режиссёр Роман Поланский қўйган «Даҳшат ва мистика» фильмдаги кадрларни жуда эслатади.

ТЕМИР ЙЎЛЛАРДА ТЕРРОРЧИЛИК

РИМ (ТАСС). Сўнгги икки кун мобайнида Италиянинг темир йўлларида бир қанча террорчилик ҳаракатлари содир бўлди. Рим, Пескара, Венеция ва Милан ўртасида қатновчи саккиз поезд остига бомба қўйилди. Шулардан олтитаси портлаб, 12 йўловчини жароҳатлади ва контузия қилди.

Кейинчалик аниқланишича, террорчилар қўйган шу бомбалар Ғарбий Германияда ишлаб чиқарилган.

Баъзи матбуот органлари Италия территориясининг бирданига катта қисмида содир бўлган бу террорчилик ҳаракатларини Италиянинг Трентино-Альто-Атиже областида реваншчи ва янги нацист унсурлар активлашиб бораётганликлари билан боғламоқда.

Қотилларга қаттиқ зарба бермоқдалар

ХАНОЙ. (ТАСС). Вьетнам информация агентлиги озодлик матбуот агентлигининг маълумотларига асосланиб қуйидагиларни хабар қилади: Жанубий Вьетнам халқ қуролли кучлари Тхиатхиен вилоятининг ғарбий районида бутун операцияларни олиб бориб, 3 августдан 10 августгача Америка Сайгон қўшинларининг 900 га яқин солдат ва офицерини сафдан чиқардилар, 15 самолётни уриб туширдилар ва 25 танкни яксон қилдилар.

Жанубий Вьетнам ватанпарварлари 10 августда Америка армиясининг шу районидаги ҳаво-десант батальонига дадил ҳужум қилиш натижасида душманнинг 200 солдат ва офицерини ўлдирдилар ҳамда ярадор қилдилар, 2 вертолётини уриб туширдилар.

Душман шу куни Куангнам ва Тайнинь вилоятларида ҳам катта талофот берди.

Хожи Аҳмар

Чашма

Қисса

Вокзалга кетаётганимда икки масала бошимни қотирди: бири бу гал қандай одамларга қўшни бўлишади; иккинчиси — купеда хотинқизлардан борми ёки йўқми?

Биринчи масала юзасидан ўтган галги сир камининг таш ёғидан тащқари чиқмаган эсади, ҳозир буни айтмасдан илож йўқ: илло бусиз ҳикоямиз мукаммал бўлмайди.

Хулласи калом, у гал отпускага кетаётган икки одамга ҳамтовоқ бўлишди. Дунёда юстахи ичираман деб ёпишган қўшнидан зўрроғи бўлмас экан, — битта-ни ичдим-у, қўлга тушдим: яъни ўша кундан бошлаб вагон-ресторандан чиқмадик ҳисоб. Соғ икки қўшни мени меҳмон қилишади. Соғ мен уларни меҳмон қиламан. Кела-келгунча ишлар харала-тарала! Натижада мен ичмайдиган, чекмайдиган ва умуман жанжал чиқкан жойдан тўрт чақирим юрадиган одам — поезддан тушган заҳоти биров билан ёқа бўғишдим. Кейин билсам такси талашган эмиш-ман..

Энди иккинчи масала: бугун фалокат босиб, сартарошхонага кирдим. Уста икки чекадан сочни кўпроқ олиб қўйиб, пасангимни бузди. Мен эътироз қилгач эдим, — ўзиникини маъқуллади. Биттани у айтди, биттани биз. Хуллас орадан жанжал чиқди. Натижада бу бургага аччиқ қилиб кўрпа куйдирдим. — яъни бунақа сочни таги билан устарада қириб ташлашни талаб қилдим.

Уста гирром қўзларини ўйнатиб, ишни беш минутда тугатди.

Кейин юзининг бир ёғи билан жилмайиб, «саломат бўлсинлар, кириб турсинлар» — деди. Бу ҳам етмагандек уста ҳақини икки баробар қилиб ёзиб, қўлимга тутқизди.

Туриб ойнага қарасам, фақат соч билан пулдан эмас, пешонадаги яккаю-ягона ҳусидан ҳам ажраб қолибман.

Аввал баҳор бўлиб қолдику, деб ўзимга тасалли бердим. Лекин вагонга чиққач, бу «иккинчи масала» мени биринчисидан ҳам кўпроқ машғул этди. Чунки купеда бирон аёл бўлса, — яна ёшроқ бўлса, — бошдан қалпоқни мутлақо олмасликка тўғри келади. Илло бошқаларнинг ҳам эстетик туйғусини ҳурмат қилиш керак...

Мен фақат охирги купега етиб боргандагина енгил нафас олдим: қарасам, бизнинг ҳам толемиз йўқ эмас; чунки купеда икки эркак ўтирипти; поезд жўнаш вақти етганлиги учун яна биров чиқишидан хавотир олинмаса ҳам бўлади.

Шу сабабли «иккинчи масала»ни бўйнидан соқит қилиб, биринчисига кўчдим. Яъни янги қўшниларни ўрганишга киришдим.

Улардан бири ерда тартибсиз сочилиб ётган иккинчи даста китоб ва қандайдир қўлёзмаларни чувалашиб кетган канон боғичлардан ажратиб, полкага тахлаш билан банд. Китобларга қараганда у ё врач, ёки зоолог. Чунки битта китоб «Хирургия паталогияси», иккинчиси «Қўшлар ҳаёти» деб аталади. Майли, врач бўла қолсин. Чирогдан панадз эгилиб ўтирганидан юзини яхши кўролмадим. Лекин кўзимга иссиқ кўринди. Қандайдир учратгандайман.

Иккинчи қўшнига келсак, у ҳар жиҳатдан менинг аксим: устида модага яраша тикилган тор шим, энди расм бўлиб келаётган гулдор свитер, оёғида яркироқ туфли. Баланд бўйли, келишган йигит. У дераза ёнида ўтириб, купедан тушиб турган ёрғлиқда яркираб учаётган ёмғир томчиларига тикилади. Студент бўлса керак.

Мен кирганимда студент вазиятини ўзгартмади.

Врач ишдан тўхтаб, саломга алик олди, айни вақтда соатга қаради.

—Вақт етди,— деди студентга. — Энди бошқа одам чиқмаса керак.

— Чиқса ҳам эҳтимол, — деди студент қоронғуликка тикилиб. — вагон эшигида ҳангома қилаётган бир эркак ва уч аёлга эътибор беринг.

Врач деразадан студент кўрсатган томонга қаради.

— Хм... Бежиз эмас. Лекин уларнинг қайси бирч чиқаркин?

— Менимча эркаги, — деди студент.— Чунки унидан бошқасида чамадон йўқ.

Врач яна туриб қаради.

—Эркаги бўлса майли-я! — деди у кўзини деразадан узмаган ҳолда. Лекин менимча янглишдингиз.

—Ҳўп деяверинг!— ишонтирди студент.

— Йўқ десамчи? — кулди врач.

Баҳслашамиз.

— У тақдирда ютқиздингиз!— деди врач жойига ўтираётиб. Сиз айтган чамадон аёллардан бирининг қўлига ўтиб, ҳозиргина бизнинг вагонда гойиб бўлди.

— Бе?

— Туриб қаранг!

Студент яна қоронғуликка тикилди.

Коридорда эшиклар очилиб-ёпилди; гўнғир-гўнғир гаплар кучайди.

Фақат бизнинг купеда ҳозир момақалдироқ бўладигандек сукунат чўкди.

Мана, ниҳоят эшик гумбирлаб, коридорда эшикда бир киз кўринди. Чамадондек келадиган катта чарм сумкасини студент ёнига ташлади ва ҳеч кимга қарамай чиқди-кетди.

Уч эркак бир-биримизга қарадик.

Врач норози.

Студент аксинча шодлигини базўр яширади.

Врач столда ётган «Казбек» қутисидан битта папирос олиб чекди. Менинг шахмат китобимни варақлаб жойига қўйди.

— Хўш нима қиламиз? Бир амаллаб бу қўшнидан қутилишимиз керак.



Студент номаълум ифода билан елка қисди.

— Шахматчи дўстимиз нима таклиф киритади?

— Таклиф — уни мот қилишу, бошқа купега кўчириш.

—У сизни мот қилсачи?— луқма ташлади студент.

Мен гардан қашидим.

Врач кулди.

— «Ўйинни» нимадан бошлайсиз?

— Ҳаммамиз чекар экан-миз, деймиз.

— Мен чекмайман. — яла эътироз қилди студент-

— Лекин бизни ёлғончига чиқармайсизми?

— Й-йўқ, албатта...

Врач папирос қутисини олиб унга тутди.

—Ўшланг!

Менга ҳам папирос олишга ва врач ёққан гугуртдан уни тутатишга тўғри келди. Бу вақт пешонанинг чап ёғида нимадир чирсиллаб, жизғинак ҳиди анқиди. Тушиндимки қош...

Қош куйиши билан таъб аввалгидан ҳам тирриқ бўлди. Қош ўлгур сартарошни эслатди.

Аламни папиросдан олиб, уни қаттиқроқ тортиб юборибман шекилли, ўқчиб қаттиқ йўталдим. Ўл. бу куни-нгдан баттар бўл, деб ўзимни койидим.

Хуллас, бу гал ҳам ўзим билан ўзим овора бўлиб, поезд қай тариқа жойидан қўзголганини сезмай қолибман.

Мен нечунидир жойдан қўзгалган яркироқ асфальт ва фонарларга ҳайрон бўлиб тикиларканман, купе эшиги очилди ва бошдан енгил жун рўмолини еча туриб янги-қўшнимиз кириб келди. Жунни кўриш билан бошим қичиди. Беретканми сал кўтариб бош қашиётган эдим, қиз бурилиб менга қаради. Юзига табассум югурди.

— Салом!

— Врач китоб тахлашдан тўхтамади, шу билан бирга саломга алик олишни ҳам унутмади.

Қиз чарм сумкани бир ёққа суриб студент ёнига ўтирди. Иккаламизга бир-бир тикилди. Купени тўлдирган тутунни кўздан кечирди, кейин қошларини чимириб врачга ўгирилди.

(Давоми бор).

Шоаҳмад ШОМАҲМУДОВ



Ажойиб инсон Шоаҳмад Шомаҳмудовнинг юраги уришдан тўхтади. Унинг одамийлигини фақат мамлакатимиздагина эмас, чет элларда ҳам кўп кишилар биларди. Одамлар Улуғ Ватан уруши йилларида хотини Баҳри билан ҳар хил миллат фарзандлари бўлган 14 болани ўз бағрига олган тошкентлик темирчининг олий инсоний ишларни олдида таъзим қиладилар.

Етимлар темирчининг уйида фақат бошпанагина топиб қолмай, балки меҳрибон ота-она ҳам топадилар. Болалар ушбу оилада ўзларини бахтли ҳис қилишлари учун ҳамма нарсани қилишган. Шоаҳмад Шомаҳмудов ўзининг ҳаёт йўлини ана шундай инсоний ишлар билан белгилаган эди.

Шоаҳмад Шомаҳмудов ўзининг ҳаёт йўлини ана шундай инсоний ишлар билан белгилаган эди.

Шоаҳмад Шомаҳмудов 1941—1945 йилларда Улуғ Ватан урушида қатнашган. Урушдан кейин Тошкентга қайтиб,